

ОДАМЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН "ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ" ЛОЙИХА САМАРАСИ МАҲАЛЛАРДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА



тариқасида бошланган "Ташаббусли бюджет"
2 йил ичида йирик лойиҳага айланди.

Одамларнинг ўз солиқларини ўzlари тақсимлашдаги фаоллиги эса юртбошимиз Шавкат Мирзиёевни ҳам беътибор қолдирмади. Давлат раҳбарининг топшириғи билан жорий йилда фуқаролар ташаббусларига 3,5 баробар қўп маблағ ажратилди.

Андижон вилоятида ҳам мазкур лойиҳа жуда катта ижобий натижа бермоқда. Одамлар бу жараёнларда бевосита ўzlари иштирок этишиб, ўzlари яшаётган худуднинг инфратузилмаларни яхшилаш мақсадида бир ёқадан бош чиқариб овоз беришмоқда.

Вилоятнинг Хонобод шаҳрида ҳам ватан ичра кичик ватан ҳисобланмиш маҳаллалар ободлиги ўз навбатида инсонлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Лойиҳада ғолиб бўлган "Навоий" маҳалласида айни кунларда таъмирлаш ишлари жадаллик билан бошланиб, йўлсозлар томонидан кўчалар асфальтланмоқда.

Автомобил йўллари қўмитаси

Ахборот хизмат